



Миллий тикланиш —

миллат келажаги

Миллий тикланиш

Gazeta 1995-yil,
10-iyundan
chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

2006-yil, 15-fevral,
chorshanba,
7 (337)-son.

САВАР
АКЛА
РНИ
ДА

УЙИ ЁҚИЛГАН ШОИР

Бир куни бозордаги савдогарлардан озор чеккан Завқий, уларни ҳажв қилиб мўйи муборак сайилгоҳига, баланд теракка осганини айтган. Шоир уйига қайтса, уйи ёнаётганмиш...

3-бет

Олга Меҳрим Бўлакча!

Ёрдан кечдим отни деб,
Элга бўлдим эрмаклар.
Қайдан билсин от қадрин
От минмаган эркалар.

4-бет

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий газетаси

УСТОЗ —

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Марказий кенгашининг ташаббуси билан «Устоз — отангдек улуғ» мавзуга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ОТАНГДЕК УЛУҒ

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Марказий кенгаш котиблари ва аъзолари, йирик олимлар, мутахассис ва тажрибали устозлар иштирок этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғафур Маматов йиғилишни очар экан, куйдагиларни таъкидлади:

— 2006 йил арафасида Президентимиз Ислам Каримов Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасига ташриф буюриб, ўтказган суҳбатларида ёшлар тарбияси, маънавият масалалари хозирги даврнинг энг муҳим муаммоларидан эканини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, ёш авлод тарбияси ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Партиямиз дастурида маънавий тарбия, миллий ўзликини англаш, ахлоқ-одоб муаммолари устувор йўна-

лишни ташкил этади. Мазкур гоғтада муҳим муаммолар ечимини биз «Миллий тикланиш»чилар устоз-шоғирдан аналариининг тикланишида кўрмоқдамиз. Устоз-шоғирлик ҳаракати халқимиз турмушида азал-азалдан боқий аънана тусини олган, авлодлар ўртасидаги мустаҳкам боғловчи ришта вазифасини ўташ билан бирга ҳунар, илм ва ҳоқазо касбий малакалар ҳамда айни чоқда тарбия воситаси ҳисобланган. Бугун бизнинг олдимизда мана шундай ўлмас аънанага янгича руҳ, янгича тус бериш вазифаси турибди. Замон ўзгаришлари, ахборот оқимининг шиддати бу вазифанинг оқибатида вужудга кела-

ётган салбий таассуротлардан ёшларимизни эсон-омон сақлаш механизмининг яратиш муаммоси ҳар қачонгидан қалтис бир вазиятни келтириб чиқараётганидан ташқари, унинг янада хатарли тус олиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Устоз ва шоғирлик аънанаси мана шу борада ҳам кўпчилиكنи ҳақли равишда ташвишлантираётган ҳолатлардан соғлом ечим топиш имконини беради, деб умид қиламиз.

Азал-азалдан халқ орасида «Устоз кўрмаган шоғирд ҳар макомга йўрғалар», деган мақол юради. Хозир кўпчили ёшлар устоз кўрмоқдаларми? Улар кимчи устоз деб этагидан тўтишмоқда? Ҳаётнинг мураккаб йўлларида ўзлари учун равон йўлни топишда уларга кимлар бош-қош бўлмоқда? Маънавиятли ва маърифатли устозлар етарлими? Бундай саволларга жавобни сиз ва биз зиёлилар, жонқуяр устозлар топмас, ким топади!

Республикамиз бўйлаб устоз ва шоғирдлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши, ривожланиши учун нималар қилмоқ керак? Уйлаймизки, анжуман катнашчилари бу борадаги кимматли ҳаёт тажрибаларини ўртоқлашадилар, амалий тавсиялар берадилар.

(Давоми 2-бетда)



СУЛТОНЛАРНИНГ

Беш асрдан зиёд вақт ўтса-да, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номининг бунчалик эҳтиром билан тилга олинishi сабаби нимада? Унинг шахсида бугунги авлодларга ибрат бўларли қандай фазилатлар бўлган? Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир аҳоб» тазкирасида «Чигатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси» дея таърифланган Бобурнинг шоҳ ва шоир сифатидаги фаолиятида бу фазилатлар нечоғли акс этган? Табиийки, бундай саволлар ҳар биримизни қизиқтиради.

Унинг машҳур шоҳбайти-ни эсланг:

Бори элга яхшилиг килгилки, мундин

яхши йўк

Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин

яхшилиг.

Мазкур газалининг дастлабки байтларида куйдаги муҳим фикр-хулоса баён этилган: «Дунё шундай қурилган, яхшиларданки ёмонлик кўргангидан кейин ёмонлардан яхшилик кутиш бефойда». Яъни:

Эй, кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлик

асру кўл,

Эмди кўз тутмоқ не маъни ҳар мундин

яхшилиг.

Этибор беринг: «Барчадан ёмонлик қўриб турганингда ҳам фақат яхшилик кил. Ёвузликка ёвузлик билан эмас, эзгулик билан жавоб қайтар», — дейилмоқда. Олижанобликнинг, инсоний ка-

молотнинг чўққиси бўлган бундай хулосага келиш осонми? Ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, бу наинки шоҳ ва шоир Бобурнинг, балки мансуб бўлганимиз миллатнинг асл табиатига хос юксак фазилат. Қийинлиги шундаки, ёмонликка нафрат — инсон фитратига хос тўйғу. Ушбу нафрат ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаришни тақозо этади. Нафратни енгиши, ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш шу жиҳатдан ҳам осон эмас. Бунинг учун ушбу фазилат қонда бўлиши керак. Бола бешикдалигидак шундай тарбия қўриши зарур. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёшлик дамиридан шундай муҳитда ўсган.

Биргина мисол. «Бобурнома»да таъкидланишича: «ханафий мазҳаблик, покча эътиқодлик, беш вақт намозини тарқ килмайдиган» Умаршайх мирзо — Бобур-

САРАСИ

нинг отаси подшоҳ сифатида беихоҳ адолатли бўлган. «Адолати бу мартабада эдики, — деб ёзади Бобур ўз отаси ҳақида, — Хитой карвони келадургонда, Андижоннинг шарқий тарафидида тоғларнинг тубида минг уйлик карвонни андоқ қор босдиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, муҳассислар йибориб, карвоннинг жамий жиҳотини забт қилди. Харчандиким, вориси ҳозир йўқ эрди, бировжуд эҳтиёж сақлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топширди».

Мана, аждодларимизда омонатга муносабат қандай бўлган ва қандай бўлмоғи керак! Ваҳоланки, минг уйлик савдо карвонининг бойлиги қай микдорда бўлиши, бу мол-дунё эгалари энди йўқ эканлиги эътиборга олинса, уларни бир-икки йил мобайнида асраб, ворисларини излаб топиб, молларини ҳеч бир нуқсонсиз («солим») топшириш учун одам нечоғли инсофли, диёнатли бўлмоғи керак! Ахир ўзларининг тор манфаатлари ўйлида, арзиман мол-дунё учун вийдонини сотадиганлар кимми? Заҳириддин Муҳаммаднинг

Умаршайх Мирзодай омонатдор, адолатли инсон оиласида дунёга келишида ҳам Яратганнинг улуғ ҳикмати, адолати бор, назаримизда.

Шунинг учун ҳам Бобур шоҳ сифатида адолатли сиёсат юритди. Ёмонликка-да яхшилик билан жавоб қайтаришни ҳаётини аъмоли, деб билди. (Бобурнинг ўзини захарлашни уюштирган малика Байдага муносабатини эсланг.)

Тарихда бир юртдан иккинчи бир юртга бориб, ҳукмронлик қилган жаҳонгирларнинг ўша халқ хурматини қозониши, улар орасида яхши ном қолдира билши камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги, бу жиҳатдан ҳам ибратли ва аҳамиятли. Бунинг буюк сиёсатдонлар, тарихнавислар томонидан эътироф этилгани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Хўш, Бобурнинг бундай эътирофга сазовор бўлиши сабаби нимада эди? У ҳинд халқи учун қандай хизматлар қилганки, Ҳиндистонда бу улуғ сулоланинг номи бугунги кунгача юксак эҳтиром билан тилга олинади? Бизнингча, бунинг сабабларини куйдагича изоҳлаш мумкин: Биринчидан, Бобур ва унинг авлодлари минбаъд Ҳиндистонни талаш, унинг бойликларини ташиб кетиш мақсадида бўлмаганлар. Аксинча, бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган қарийб уч ярим асрлик вақт мобайнида бу юртда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавахарлаъл Нерунинг куйидаги сўзлари ҳам бунга ёрқин далил бўла олади: «Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли, — дея эътироф этади у, — Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меймюрчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича тараққиёт юз берди».



ҚАДРЛИ МУШТАРИЙ!
«MILLIY TIKLANISH» ҳафталик газетасига
2006 йил учун обуна давом этмоқда.

Газета нашр кўрсаткичи — 158.

(Давоми 2-бетда)

Мустақиллик майдонида қадим кўяр экансиз, беихтиёр қалбингизни ўзгача бир шуқуқ эгаллаб, дилингиз нурга тўлади. Бу туйғунинг исми эрк, хурлик, ўзликдир! Ватани онага қиёслаб она Ватан деймиз. Дунёда онадек буюк зот бормикин?!

Пойтахтимиз марказидаги мустақиллик майдонида кўрк бўлиб турган Мустақиллик монументи ёнига Бахтиёр она сиймосини ўзида муҳасам этган монумент ўрнатилган. Бу рамзий ҳайкалга Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилиниши ҳам юртдошларимизнинг кўнглидаги иш бўлди.

Халқимиз азалдан болажон. Шунинг учунми, фарзандига меҳр тўла кўзларини тикиб турган она сиймосини эзгуликка қиёслаймиз.

Бугун бу майдонга қадам ранжида қилган хорижлик меҳмонлар ҳам юртимизнинг дунё билан бемалол бўйлашаётганини ва халқимиз ҳар қандай жаҳолатга маърифат билан жавоб беришига тайёр эканлигини ҳис қилиши шубҳасиз.

Кейинги йилларда Мустақиллик майдонида ва унинг атрофидаги худудларда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси, қуёш нурида жилваланиб турган Сенат биноси, тинчлик ва осойишталигимиз рамзи ҳисобланган Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси, яшил майдон ва хиёбонлар бош майдоннинг чиройига чирой қўшмоқда. Бизнес маркази қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Катта бунёдкорлик ишлари туфайли бу майдоннинг қиёфаси ўзгариши янгича маъно ва мазмун касб этмоқда. Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйгани келган ёшларимиз қалбида ҳам ватанпарварлик ҳисси жўш уради.

Бу ерда яратилган ҳар бир бунёдкорлик намунаси уларнинг орзуларига ҳамоҳанг руҳда яратилган. Мустақиллик майдони тинчлик, озодлик, эзгулик рамзи бўлиб қолаверади.

Муҳаммадсиддиқ РАҲМАТОВ

Эзгулик рамзи



ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» партиясининг фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари Юртбошимизнинг 2005 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган асосий йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова ўтган йилда амалга оширилган ишлар хусусида ахборот берди. Мазкур органга 2005 йил давомида фуқаролар 6142 марта мувожаат қилишган. Фуқаролар мувожаатларининг 240 таси



ижобий ҳал этилган бўлса, 1754 таси назоратга олинган.

Фракция аъзолари Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг йиллик ҳисоботини маълумладилар. Шунингдек, йиғилишда

«Телерадиоэшиттириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишнинг фракция раҳбари Хуршид Дустирмамедов олиб борди.

● Учрашувлар ва мулоқотлар

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

ЎзМТДП Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг навбатдан ташқари қурултойига делегатлар сайланди.

Партиянинг Сурхондарё вилояти Денов туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги умумтаълим мактабларининг тажрибали ўқитувчилари иштирокида «Устоз — отангдек улуғ» мавзуда тadbир ўтказилди.

Самарқанд шаҳридаги 1-сонли академик лицей ва тиббиёт коллежида «Навий ижодида миллий маънавиятимизнинг акс этиши» мавзуда навоийлик кечаси ўтказилди. Адабий кечаларда ЎзМТДП Самарқанд вилояти кенгаши фаоллари иштирок этишди.

ЎзМТДП Андижон вилояти кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Партиянинг Хоразм вилояти Урганч шаҳар кенгаши ташаббуси билан «2004-2005 йилдаги мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Президенти Фармони асосида Хоразм халқ таълими бошқармаси билан «Мактаб — таълим тизимининг негизи» мавзуда тadbир ўтказилди.

Партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳаллий кенгаш депутатларининг ўрни ва роли» мавзуда семинар йиғилиши ўтказди.

ЎзМТДПнинг Андижон вилоят Асака туман кенгаши ташаббуси билан 3-мактабда «Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмади» мавзуда йиғилиш ўтказилди.

Партиянинг Термиз туман кенгаши томонидан Термиз шаҳридаги 11-мактабда «Навий — ғазал мулкнинг султони» номли адабий кеча ўтказилди.

Партия фаоллари иштирокида Қарши Давлат университетидега боимиз Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги муносабати билан «Навий — туркий тил асосчиси, давлат арбобидир» мавзуда тadbир ўтказилди.

РЕЖАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси этиб Жаннатой Тошматова сайланди.

Йиғилишда шаҳар кенгашининг 2005 йил давомида олиб борган ишлари ва 2006 йил истиқбол ҳамда «Жонийлар ва шифокорлар йили» иш режалари муҳокама қилинди. ЎзМТДПнинг навбатдан ташқари қурултойига делегатлар кўрсатилди.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, ЎзМТДП Марказий ва шаҳар кенгаши аъзолари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

АКАДЕМИЯДА УЧРАШУВ

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев, «Адолат» социал-демократик партиясининг фракцияси аъзолари Исмоилжон Саифназаров ва Юсупжон Нишоневлар катнашдилар.

Учрашув қизиқарли савол-жавоблар билан ўтди. Банк ва молия соҳасидаги ислохотларнинг бориши, уларнинг норматив ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари учрашувда алоҳида аҳамият касб этди.

Ўз мухбиримиз



УСТАЗОЗ ~ ОШЛАНҲАДЭК УЛАУ



МАНСУР БЕКМУРОДОВ, Тошкент Давлат маданият институты проректори, социология фанлари доктори;

даги билим олиш тизими фақат ахборот олишдан иборат бўларди. Тарих жуда кўп ўргатиларди, аммо талаба тарихни чуккур билмай ўқишни битарди...

(Боши 1-бетда)

ЯНГИЛАРИНИ ИЗЛАЙМИЗ, ҚАДИМИЙЛАРИНИ ТИКЛАЙМИЗ

диган талабалар сони институт буйича 60 фоизга ошди. Уртача кўрсаткичлар билан ўқийдиган талабалар сони 30 фоиздан 19 фоизга тушганлиги қувонарли ҳол бўлди...

АЗИМ ПАРПИЕВ, Тошкент энгил санот ва тўқимачилик институты ректори, профессор;

— Айниқса, устоз-шогирд масаласининг тарбиявий аҳамияти бекиёйс. Ёшлар тарбиясида самарага эришдик, деб айта олмаيمиз. Билими, амалий малакаси



ФАН ҲҚИТУВЧИЛАРИ КҲП, ПЕДАГОГЛАР КАМ

бор инсонгина устозлик қила олади. Ҳозирги пайтда бутун дунё таълим-тарбияни индивидуаллаштириш йўлидан кетяпти. Таълим-тарбияни индивидуаллаштириш устоз-шогирд аънавалари талабларига тўғри келади...

Фан ўқитувчилари кўп, аммо педагоглар кам. Ўқитувчиларни педагогга айлантириш эса долзарбли-

гича қолаётир. Устозларнинг ўзини талаб даражасида шакллантириш лозим. Олий-гоҳимизда ҳар бир ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш учун ҳаракат қилишимиз...

Авалло, баркамол инсон моделини ишлаб чиқиш лозим. Тарбия технологиясини яратиш керак. Тарбия тўғрисида қонун яратиш зарурати ҳам пайдо бўлди. Таълимга оид бир қанча ҳужжатларни, жумладан, таълим стандартларини қайта кўриб

чиқиш зарур. Маънавий қамолот даражасини аниқлайдиган стандартлар яратиши керак. Олий ўқув юрталарининг педагог кадрлар тайёрлайдиган йўналишларига талабаларни, асосан, бюджет асосида қабул қилиниши жорий этилса, айни муддао бўларди.

Ҳпонларда жуда аъжайиб аънавалар бор. Бирор киши ишга олинаётган бўлса, аввало, инсоний фазилати билан касбий маҳоратига эътибор бериллади. Демак, инсоний фазилатлари юксак кишилар доимо эътиборда. Устоз-шогирд тизимининг ривожланиши ҳам инсоний фазилатларга, ҳам касбий маҳоратга эга кишилар кўпайиб боришига замин яратади.

БУГУНГИ ШОГИРДЛАР БОШҚАЧА

УМАРАЛИ НОРМАТОВ, адабиётшунос олим, профессор;

— Мана, кўрқ беш йилдирки, ёшларга билим бериш билан машғулман. Ҳозир ёшларимиз онги-шури жуда ривож топди. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов «Ёшлик» талабалар шаҳарчасига таширбунориб, бир гуруҳ талабалар билан ўрашганларни ҳамон кўз ўнгимизда. Президентимиз билан ёнма-ён туриб мулоқотда бўлган талабаларни кўриб, қувонамй бўладим!

Кейинги 20 йилдан бугега юз берган воқеликлар тез-тез ёдга тушаверади. Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида фанатизм балосига дуч келдик. Ҳижоб ўраган ёш қизлар кўзингизга бакрайиб ўз талабларини қўя бошлади. Ҳатто, насронийлик ёғларни тартиб этилган асарлар керак эмас, зардушлик-

нинг кераги йўқ, деган даъволар билан чиқа бошлашди. Нигилизм, фанатизм дардига мубатла бўлган ёшлар кўпая борди. Шундай бир шароитда устоз ва шогирдлик тизими зарурияти пайдо бўлди. Фидойий устозлар ёшларни бу йўлдан қайтаришга муваффақ бўлишди. Бугунги шогирдлар тамомила бошқача. Улар икки оёқда мустаҳкам туришибди. Магистрантларни йўлмайисизми? Уларнинг ҳар бири бир-икки жойда ишлайди ҳам. Ишни ҳам, ўқишни ҳам қойиб қилишаётир. Ҳатто бизнес билан шуғулланаётган аспирантлар ҳам бор. Уларга устозлари ҳам йўналиш бериб турибди. Янги авлод буй кўрсатди. Устоз ва шогирд муносабатлари ҳам янги шакл олаётир.

ли, касб эгаллаш, умуминсоний ахлоқ андозаларига риоя этишининг мўҳим жиҳатини ташкил этади. Масалан, Фобрийнинг фикрича, устоз фаолияти ёшларга ахлоқий талабларни ва муайян фан соҳасидаги Амалий малака ҳамда қўнимларни ҳосил қилишга қаратилмоғи лозим. Устозлик фаолиятининг мақсади шогирднинг бахт-саодатга эришиши йўлларини қидиришга, изла-нишга тайёрлашдир. Ҳозир кўпгина ҳалол ёндашмайдиган, виждонсиз, таъмагир мураббийлар ҳеч қачон ҳурмат-иззатга лойиқ эмаслар. Миллий тикланишчилар мана шундай иллатларга қарши кескин курашадилар деган умиддаман. Устоз қиёфасида ўткир нигоҳ билан узоқни кўра олиш, ўз бил-лимларини ўқувчиларга



САРВАР КОДИРОВ, Тошкент автомобил йўллари институты профессори;

«Миллий тикланиш» партияси жуда долзарб масалани кўтарган. Албатта, барчамизнинг устозимиз бор. Уларни бошимизга кўтариб юрамиз. Мен жуда ёш пайтда отамдан жудо бўлганман. Устозим менга отамдек улуғ бўлиб қолган. Мен Оқилжон Салимовни ҳаёт устозим деб биламан. Шарқда устоз ва шогирд муносабатлари илмий та-

УСТОЗЛИК БАХТИ НАСИБ ЭТСИН

бера олиш ва машаққатли меҳнатдан ҳоримаслик, ҳақиқат ва унга интилувчиларга нисбатан адолатли муносабатни сақлаш, мақсада эришишда қатъийлик қўратиши каби фазилатлар мужассам бўлмоғи лозим.

Ачинши билан айтаманки, аниқ фанларга қизиқувчи ёш олимлар тобора камайиб бораётир.

Иқтидорли, кучли билим соҳиб бўлган ёшларимиз кўп. Институтимизда иқтидорли талабалар факультети бор. Унда тўрт юздан ортиқ буюқ ўқийди. Биринчи курсдан бошлаб фанлар инглиз тилида ўқитилади. Қани эди ҳамма олий ўқув юрталарида шундай бўлса!

Устоз — инсонга боқий ҳаёт бахш этади. Ният қилардимки, ҳаммамизга устозлик қилиш бахти насиб этсин!

нишиб, жуда илиқ суҳбатлар қурдик. Бошларида кўтариб юришди. Бундан ортиқ бахт борми?!

Ёшлар ҳунар ўрганса, номақбул ишлардан ўзини тияди. Ҳунарлиси эса ҳалоллик ила яратувчи билан машғул бўлади.

Ҳамон ёдимда: бир гал Покистонда халқ амалий санъати усталарининг кўргазмаси бўлганди. 46 давлат вакиллари орасида ўзбекистонлик амали санъат усталари биринчи ўринни эгаллаганди. Ҳа, бу юрти-

ҲАЁТНИНГ ҲЗИ УСТОЗ



АХМАДЖОН МЕЛИБОВЕВ, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири;

Ҳаётнинг ўзи устоз-шогирд асосига қурилган. Яхшиисини олади, ёмонини ташлайди. Ҳеч ким онасидан донишманд бўлиб туғилмайди. Устоз-шогирд муносабатлари ҳаётни янада мазмунли қилади. Кимки бундан чекинса муаммолар гирдобда қолиши тайин. Шарқда устоз-шогирд аънаванаси бор. Ота ўз фарзандини устозига топширар чоғи «эти сизга, суняги бизга» деб бежиз айтаман-ку! Бобомиз, дунё ва диннинг хайиса деб тан олган Бахоуддин Нақшбанд шогирдликка келганлардан, аввало, ҳунари бор-йўқлигини сўраганлар. Агар ҳунари бўлмаса шогирдликка қабул қилинмас экан. Устоз дусо ва фотиҳасини олиш ҳам муқаддас ҳисобланган. Устоздан фотиҳа ололмаган шогирднинг ишлари бароридан келмаган. Ибратли бир ҳикоят бор. Бир йи-

гитта устози кураш усулларидан қирқтасини мукамал ўргатади. Шогирд жуда машҳур полвонга айланади. Шундай қудратга эгаллигидан ҳовлиқиб, бир куни мен билан кураш тушадиган мард борми, деб жар солади. Ҳеч кимнинг у билан курашга тушишга юраги дов бермайди. Шунда бир киши: «Сени фалон полвон енгади», — деб устозининг номини тилга олади. Полвон куч-қувватидан гурурланиб, устози билан кураш тушишини айтади. Оломон олдида устози полвонни етти марта ерга кўтариб уради. Шунда шогирди: «Устоз, бу усулларни ўргатмагандингиз-ку», — деб ҳайрон бўлади. «Бу усулларни сенга ўхшаган садақатсиз, но-мард шогирдларни йиқитиш учун сақлаб қўйгандим», — дейди доно устоз.

Комил ишонч билан айта оламани, тажрибали журналист атрофига 5-6 та ёш қалмақни олиб уларга устозлик қилса, айни муддао бўлади. Таҳририятимиз қўшида маҳорат мактаби очганмиз. Ҳар йили 15 тадан ёш қалмақш газетачилик сирларини ўрганапти.

Партия ҳам ўз қаноати остида сиёсий тўғарақлар очса қандай яхши бўларди. Зиёлиларнинг виждони уйғок бўлиши лозим. Шундагина улар муносиб устоз бўладилар.

УСТОЗ ВА ШОГИРД ОДОБИ

САИДАҲБОР БУЛАТОВ, Низомий номидаги педагогика университети профессори;

— Устоз ва шогирд аънаваларини устозлаштириш «Миллий тикланиш» партияси кўтариб чиққан қувончлидир. Қадим-қадимдан шахсий ва касбий фазилатига қараб устоз танланган. Ёши улуғ устозлар кимнинг ким эканини яхши билишган. Фалончи яхши устоз бўлади деб уни ёшларга тавсия этишган. Устоз ва шогирдлик тизими хазинанинг ўзи. Ахир бир йигит устозидан яхши фазилатлару яхши ҳунар ўрганса ўша йигитнинг келажаги ойдинлашади. Ҳаёт йўли нури, толгани барокатли бўлади.

Қўлимиз кўксимизда «Ассалому алайкум» деб самимий саломлашимизнинг ўзи бир қадрият. Аммо айрим ёшларимиз саломлашиш одобини ҳам унутиб қўётган ташвишли. Фарзандларимизга болалиқдан саломлашиш маданиятини ўргатишимиз лозим. Устоз қаршисида юзидан самимийлик



САИДАҲБОР БУЛАТОВ

балқиб, қўли кўксига илтифот қўрсатиб турган шогирди бир кўз ўнгингизга келтиринг-а! Муносиб фазилатли, касбий маҳоратли инсонларни тарбиялашда устознинг ўрни баланд.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги касб-ҳунар коллежи директори Ҳасан Йўлдошев билан ҳаммуаллифликда «Устоз ва шогирд одоби» китобимизда аждрларимиздан мерос бўлиб қолган уста-шогирдлик масалаларни ёритилган. Ҳа, ўзбек халқининг тарихи, аънавалари ҳар томонлама ўрганилиши фоят муҳим.



Андижондаги Бобур мирзо қадамжоси

Бу ҳақда Бобурнинг ўзи «Бобурнома»да шундай ёзган эди: «...Нечуким, «Зафарнома»да Темурбекнинг «Масжиди сангин» иморатини қилурда Мулла Шариф мундоқ муболага била битибдурким, Озарбойжон ва Форс ва Хиндустон ва ўзга мамоллик сангтарошларидин ҳар куни икки юз киши масжидда иш қилурлар эди.

Бир Аграда ушбу Агрининг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Аграда ва Секрида ва Биёнада ва Дулурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди».

Бобуршоҳнинг мазкур сўзлари унинг бунёдкорлик борасида улуғ босиси Амир Темур Соҳибқирондан ўрнак олганлигини кўрсатади.

Наинки ўрнак олган, Соҳибқирон қурдирган «Масжиди сангин»да 200 киши иш қилган бўлса, Бобур қурдирган иморатларда 1491 сангтарош

ҳизмат қилган. Шу боис Бобур ва бобурийлар томонидан барпо этилган Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси, Қизил қалъа ансамбли, Жоме масжиди, Аградаги қалъа, Тожмаҳал, Фатҳпур Шекрий шаҳри, Секандарадаги Акбаршоҳ мақбараси, Лоҳурдаги қалъа ва бошқа иншоотлар ханузгача Хиндустон кўрқига кўрк қўшиб келмоқда.

Эътибор беринг: Бобур ва бобурийлар худди шу бунёдкорлик салоҳиятини ўз она заминимизда амалга оширганларидеки, юртимиздаги тарихий обидалар, шубҳасиз, янада салобатли, викорли бўларди.

Бобурнинг ҳинд халқи эътирфини қозонишининг инқинчи сабаби, хиндларнинг миллий ва диний қадриятларини бениҳоя ҳурмат қилганлиги билан изоҳланади. У зинҳор-базинҳор ҳинд халқининг урф-адумларини ва эътиқодига нописандлик билан қарамаган. Фарзандларини ҳам шу руҳда тарбия қилган. Бобуршоҳнинг ўгли Ҳумоюнга ёзган «Мафий васиятнома»сидаги сўзлари ҳам бунини тасдиқлайди.

Шарқ халқлари, жумладан, бизнинг миллатимизда ота тушунчаси замирида улугворлик, ҳар тарафлама намуна ва ўрнак бўладиган етук шахс тушунилади. Мило, ота оиланинг султони ва таянчи, унинг истиқбол ва муҳофазасига масъул зот. Устоини ота баробарида қўриш моҳиятида ҳам устозликнинг масъулияти, уни отадек эъзаозлаш ва туйғусидан келиб чиқади.

Маълумки, юртимиз демократик тамойилларга асосланган эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётир. Бу жараёнинг бир жиҳати хоржий илгор тажрибаларни жорий этиш, ўзлаштириш билан амалга ошади. Аммо ана шу жиҳобийлик билан бир қаторда салбий жиҳатлар — миллий ўзгичликни зид ахлоқ меъёрларни кириб келиши ҳавфи ҳам йўқ эмас. Барча соҳаларда фаолият кўрсатувчи устоз эса, агар таъбир жоиз бўлса, ана шундай ахборот хуруқи ва миллатимиз учун номақбул иллатларни тугиб қолувчи филтр, ёш авлод вақиларида муҳофаз имунитетини яратувчи қалқон вазифасини ўтаса ажаб эмас!

Асрлар давомида халқимиз ўз фарзандини устоз ихтиёрига топширар экан, аввало, бўлғуси устознинг ахлоқи ва маънавиятига аҳами-

СУЛТОНЛАРНИНГ САРАСИ

«Эй фарзандим, — деб ёзади Бобур, — Хиндустон мамлақати турли мазҳаблардан маъмур бўлган (ташқил топган). Оллоҳ таоло сизга бунини каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан динингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тарикасига адолат қилинг. Ҳусусан, Хиндустоннинг қалбини кўлга киритаман, десаңгиз, сизир сўймоқдан ўзингизни тийинг. Бу яхшилигингиз эвазига шу вилоят аҳлининг қалби сизга яқин бўлади».

Учинчидан, Бобуршоҳ мамлақатини бошқаришда адолат тамойилларига тўла амал қилган. Тарих шохид: ҳар қандай салтанат сиёсати адолатга таянсагина халқнинг чинакам эҳтиромига сазовор бўлади. Бобуршоҳ «Мафий васиятнома»сида яна шундай ёзади: «Қўлингиз остидаги ҳар қавмининг ибодатгоҳларини ва муқаддас жойларини ҳароб этманг. Шундай одиллигини ихтиёр қилингики, подшоҳ раиятдан ва раият подшоҳдан осуда бўлсин. Ислоннинг тарақиёти эҳсон қилишдан яхшироқ бўлади, зулм тигидан эмас».

Русия истибодиди даврида юртимиздаги мажид-мадрасаларнинг, муқаддас қадамжоларнинг тўпга тутилганини, қолганлари эса оғилхонага, захарли қимёвий ўғитлар сақланадиган оморхоналарга айлантирилганини эсласангиз, Бобурнинг шох ва шахс сифатидаги мақомини нақадар улуғ экани аён бўлади.

Эҳсон борасидаги фикрларга келсак, «Музакири ахоб»да таъкидланганича: «Кимки жаҳонпаноҳ (яъни Бобуршоҳ) даргоҳига илтижо қилган бўлса, подшоҳнинг инъомидан баҳраманд бўлиб ва фалз дастурҳонини неъматидан қуруқ қолмади. Дарё мисол қўли билан саховат оламани нурга тўлдирди».

Бобур мамлақатини идора қилишда улуг аждодларнинг, хусусан, Амир Темур Соҳибқироннинг бошқарув услубидан ўрнак олган. Авлодларига ҳам шундай иш юритмоқни насихат қилган: «Салтанатнинг жисми турли маразлардан тинч бўлсин, — деб ёзади Бобур «Мафий васиятнома»да. — Подшоҳлик ишларини пухта қилиш учун ҳазрат Амир Темур Со-

ҳибқироннинг ишларини кўз олдин-гизда тутинг».

Шубҳасиз, салтанат бошқарувида аждодлар тажрибаларига суниши, уларнинг эзгу ишларидан ибрат олиш ўз самарасини берган. Бу эса бобурийлар салтанатининг бардавомлигини таъминлаган.

Шоҳ сифатида унинг даражаси қанчалик баланд бўлса, шоир сифатида шунчалар юксак. «Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва қамолотлари бешумордир, — деб ёзади Ҳасанхожа Нисорий. — Аруз бўйича ёзган рисолати бир денгиздурким, ичи тўла жаҳохуру дурдона. Фикҳ масалаларини дағи бир рисолатда мубайян қилганким, ёзгувчиси доғишмандлигидан бир нишона. Туркий ва форсийда яхши шеърлари бор».


Дарҳақиқат, улуг шоирнинг мумтоз адабий жанрларнинг деярли барчасида ёзган лирик шеърлари қарий беш асрдан буюн муҳлислар эътиборида келади. Унинг шеърлари фалсафий теранлиги, бадий баркамоллиги, қалбга яқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Биргина

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма, Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма, —

деган мисраларини эслайлик. Яъни: «Эй инсон, мансаб-мартабанинг қай мақомига эришсан ҳам, нечоғли мол-дунё соҳиб бўлсан ҳам, меҳнат-машаққат билан қуна кечираётганларни ёдингдан чиқарма. Унутмагинки, бу мартаба ҳам, молу давлат ҳам беш кунлик, яъни вақтинчаликдир».

Агар бу сўзларни бугунги Хиндустон ва Афғонистонни ўз ичига олдган бекиёйс бир мамлакат ҳукмдори айтаётганини, Бобур бу сўзларни айтибгина қолмай, уларга бир умр амал ҳам қилганини эътиборга оласак, бу улуг сиймода Шаҳс, Шоир ва Шоҳ сифатидаги фазилатлар нечоғли уйғун бўлганига амин бўламиз. Бобуршоҳ беш асрдан буюн кўрсатиб келинаётган эҳтиромнинг бош омили ҳам шунда бўлса ажаб эмас.

Нурбой АБДУЛҲАКИМ, филология фанлари доктори



ТИЛ — МИЛЛАТНИНГ КЎЗГУСИ

Ер юзидан уч мингдан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари, расм-русумлари ва миллий қадриятлари бор. Миллийликнинг асосий белгиларидан бири — бу сўз, яъни каломдир.

«Калом» арабча «сўз», «гап» деган маънони англатади. Аллоҳ Таоло томонидан инсониятга берилган улғун наъматлардан бири — бу сўз. Сўзлашув одамларни бошқа маъжудотлардан фарқлаб турувчи энг муносоқ ва ҳисобланади. Демак, сўз буюк қудрат ва куч ҳисобланади!

«Илиқ-илиқ гапирсанг, илон инидан чиқар, совуқ-совуқ гапирсанг, мусулмон динидан чиқар» дейилади халқ мақолларида. Миллий калом, яъни миллий тилимизда ўзбекнинг миллий характери, миллий хусусиятлари, тарихи ва маданияти мўҳкамланганлик, улар бошқа бирорта миллатда учрамайди.

Ўзбек тилидаги меҳр-оқибат, аймон-этиқод, сабр-қаноат ва вафодорлик каби сўзларнинг бошқа тилларда эквиваленти мавжуд эмас. Бундай чуқур маъноли сўзлар ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихи ва миллий маънавияти билан узвий боғлиқдир.

Халқимизнинг жонли тилида кўп ишлатилган оқибат, эътиқод, қаноат каби сўзлар ҳам минг хил жилваланди, турли маъно-мазмунни англатиб туради. Жуда кенг қўламли маънавий-руҳий тушунчаларни камраб олади. Шунинг учун бу сўзларни бошқа тилларга маънавий таржима қилиб бўлмайди. Масалан, биргина эътиқод сўзининг «Аллоҳни севиш», «Аллоҳни таниш», «ишонч», «қўнғил қўйиш», «сиғиниш», «хурматлаш», «руҳлантириш», «табаррук», муқаддас деб билиш», «пок бўлиш», «билиб, тушуниб олиш», «англаб етиш» каби бир неча ўнлаб маънолари мавжудки, бундай полисемия (кўп маънолили) фақат ўзбек тилигагина хосдир. Ёки «оқибат» сўзини олайлик, бу сўз «натига», «муносабат», «ўзаро хурмат», «узок муқддат», «узокни қўзлаш», «этибор», «бирдамлик», «қиёматлик», «муомала», «хотима», «ниҳоя», «шафқат», «меҳр» каби маъноларни беради. «Аймон» сўзи «Аллоҳ виқолига етишиш», «илли бўлиш», «тўғрилиқ», «поклик», «самимийлик», «маънавий поклик», «руҳий соғломлик», «руҳнинг тозаллиги», «муътабарлик», «бурчиллиқ», «вазифани адо этиш» сингари маъноларни ифодалайди.

Тилимиздаги турмаъноллиқ, кенг қўламлилиқ ўзбек халқининг бағрикенглиги, унинг инсонпарварлиги ва айни пайтда куч-қудратлиги билан далолат беради. Эеро, ижтимоий-иқтисодий турмуш янгиликлари, даставад, тилда ўз аксини топади, сунгра тафаккур дастурининг беэадиди. Бундан кўринадик, бирор тилдаги сўзни билиш шу тилда гаплашувчи халқни ёки миллатни, унинг ўтмишини, этник хусусиятини, миллий урф-одатлари-ю, ижтимоий келиб чиқшини ҳам били олишдир. Миллий забонини йўқотган ҳар қандай миллат эса инқирозга маҳкумдир. Хулоса қилиб айтганда, ҳар биримиз ўзбек тилида сўзлашар эканмиз, миллий калом-ўзбекна лутфнинг асл мазмун-моҳиятини англаб яшашимиз керак.

Баҳодир СҮЮНОВ

Мавлоно Завқий XX асрнинг 60-йиллари, ёшлари юздан ошганда дарслик китоблар орқали мактабларга кириб келганлари ёдимда.

Муаллим — бош 30 нафар бола «Хажви ахли раста» асарлари-ю, «Ажаб эрмас» муҳаммасларини ўқиганимизни эслайман. Ўшанда муаллим бул зотнинг махси тикиб, тиркичилик учун бозорга олиб чиқиб сотишларини ҳикоя қилган. Бир куни бозордаги савдогарлардан озор чеккан шоир, уларни ҳажв қилиб мўйи муборак сайилгоҳига, баланд теракка осганини айтган. Шоир уйига қайтса, аламзадалар ёққан уйи ёнаётганмиш...

Ўшанда ҳақиқат, ҳақ учун курашчи шоир сиймоси, қисмати бир жасорат бўлиб болалар қалбиде муҳрланган бўлса ажаб эмас.

Кўзон адабий мактаби вакиллари билан бўлган Убайдулло Муҳаммад Солиҳ ўғли ижоди, асарлари ҳамон ўзининг шарҳ этилмаган кўп жиҳатлари билан тилсим бўлиб қолмади. Барча маълумотлардан ўринли фойдаланиб, илимий хулосалар чиқариш вақти-соати келди.

Чунки шу пайтгача манбалардан фойдаланиш бир ёқлама бўлгани, қолаверса, шоир ижодига берилган бошқа кескин бирилик нуқтаи назаридан чиқарилгани бугун сир эмас. Натигада, маънавий-тарихийда ўз ўрни, қадрини топаган талайгина дуру жаҳоирлар ўз баҳосини олгани йўқ. Ўз қаддини тиклаётган, ўзини таниётган халқ, миллат учун ҳақиқатларни билишдан ортиқ дори йўқ.

Шундай қадриятлардан бири, Мавлоно Завқийнинг ўтган аср бошларидан «Гиря» номи билан айтила бошланган муҳаммаси. Ҳар сафар ашула-ни ашитсам, одам бола-сини ҳақдан тўсиб турган жаҳолат ва куфр ҳақида уйлайман. Эеро, ҳануз одамзод оний лаззатлар ошиғи...

«Юзингни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг,

Уйи ёқилган шоир Мавлоно Завқий келажакни кўролган эди

Яна кўнглим олиб юз ноз билга хандалар қилдинг.

...Юзингни бир кўрай десам кўлингни пардалар қилдинг...

Муножот-муҳаммас, аввало, ўзбек она тилига қўйилган муҳташам ҳайкал. У нафақат доимо тир қайқал, балки одамзот армонининг бетакрор ифодаси ҳам.

Эҳтимол, муножотнинг таъсир қудрати, унинг бўзаллиги балки Кўқонда яшаб ўтган азиз авлиқлар дуолари барокати туйғулдир. Уларнинг баъзи бирлари ҳақида маълумотлар ҳам топдим.

Завқий яшаган замонларда мадраса таълими олган кишилар ахли хос ҳисобланарди. Пулатжон Қасюмовнинг «Тазкирайи Қасюмий»сида ёзилишича «Мулла Убайдулло Солиҳ ўғли мадрасаи Жомеда тахсил олган».

Асли, ахли хос дейилганда сўфиёларни билишган. Авом дейилганда та-саввуфга ошно бўлган кишилар назарда тутилган. Бугун биз ирфонни



Маънавиятли, зиёли инсонлар ўз масканларида қимматбаҳо буюм йиғмайдилар. Уларнинг бор бойликлари китоблардан иборат бўлади.

Бўз педагогика коллежига таширф бюросангиз сўзимиз муболага эмаслигига амин бўласиз. Коллеж жамоасининг сизга мақтанса арзийдиган кутубхонаси бор. Ҳозирда бу ерда 12 мингга яқин бадий адабиёт мавжуд. Коллеж талабалари билимини ошириб, қалбини нурга тўлдиргани зиёхонага ошиқшади.

Кутубхонанинг яна бир фойдали жиҳати шундаки, бу ерда қўнғилдош инсонлар йиғилишади. Кутубхонада таниқли ижодкорлар билан тез-тез учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб турилади.

СУРАТДА: Кутубхона мудираси Фотима Мадаминова китобхона билан.

«MT»га хат

ҲАҚИҚАТ БАҲСЛАРДА ТУФИЛАДИ

«Яна панд бердим, яна айтмоқчи бўлган фикрим қолиб, чалғиб кетдим...» Асаби таранглашиб, бундай кўнглисизликни бир эмас, бир неча бор тақрорлаган, айтмоқчи бўлган гапи қолиб, бошқа фикр айтиб қўйган ўқувчилар, талабалар, кўйинг-чи, ўз фикрини дадил ифодалаб беришни олдиға мақсад қилиб қўйганлар диққатига!

Азиз газетхон, мен ҳам сиз каби «Миллий тикланиш» газетасининг бир ўқувчисман. Газетада бериб борилган турли мавзулардаги мақолаларнинг ҳеч бири эътиборимдан четда қолмайди. УЭМТДП фаолларнинг миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида олиб бораётган ишларига хайрихоҳман. Газетага «Мунозара клуби»миз аъзоларининг тақлифи билан чиқмоқчи эдим. «Ёшлиқ» талабалар шахарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида фаолият кўрсатаётган клубимиз аъзоларининг сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Давраимизда ёшларни қизиқтирадиган, долзарб масалалар ўртага ташланади ва дебат асосида мунозаралар қилинади. Мақсадимиз эса мунозара жараёнида ҳаяжонни бир четга суриб, фикрни очиқ-ойдин ифодалашга ўрганишдир.

Шу ўринда муштарийлар учун қизиқарли бўлган айрим мулоҳазаларимизни ҳам эътиборингизга ҳавола этмоқчи эдим. Миссирури штатида яшаган машҳур нотик Дейл Карнеги инсон ўз ҳажонини босиб олиши учун, энг аввало, гапирмоқчи бўлган гапига яхшилаб тайёрланиб, унинг муҳимлигини тушуниб олсин, токи, уни айтмасдан туролмасин, дейди. Даврада суҳбат жараёнида ҳаяжонлансангиз,

яхши билмасдан пири муришдини англай олмай-миз. Шунинг ваҳидан озгина билганимизни айтиб,

бўлиш — ниёэманд бўлиш, талабгорлик. Шундай қилиб талабгорлик — пири муришд этагини — тутиш.

— деб бошланган муҳаммас Саъдий сонийга бағишланганини кўраимиз:

Зебо ЯХШИЕВА, ЎЗМУ талабаси

Мумтоз нафосат

Сўнг Завқий пирлари ҳақида тўхталас.

Матнўснолик олим Нажмиддин Комилов «Тасаввуф» китобиде: «Ирфон»

(Эссе)

дейилганда илоҳшунослик илми тушунилади», — деб ёздадилар. «Асли маърифатнинг маъноси —

Чунки мурид — солиқ пир-сиз манзилга ета олмай-дир. Пир эса ажз изтироб йўли — тариқат мақомларини эсон-омон босиб ўтган, қалби илоҳ маърифатига лиммо-лим тўла инсон бўлиши лозим дейилган.

Убайдулло учун шундай зот Кўқонда ким эди? Маълумки, Завқийнинг «Ажаб замона» китобиде:

«Афсус ҳасратоки, модари ҳажон қани? Шайхи ба-ланд мартаба кутби замон қани?» матлааси билан бошланган ғазал мақтасида:

«Офоқи вақт, ғавси маҳал, Саъдий соний-дир, Анқои хол, Завқий, баланд ошиён қани?»

— дея якун топади. Саъдий соний ким эди? Китобни варақлаб муҳаммаслар қисмига ўтсак:

«Дарига дунёда соҳиб дуо пиримдан айрилдим»

Демак, Убайдулло Завқийнинг пири муришлари Саъдий соний Азимхожа-нинг фарзанди бўлиб, Азимхожа Кўқондаги яна бир машҳур зот — Богдор эшон-нинг авлодидан бўлган. Ҳақ тазкирада эшон Азимхожа ҳақида аниқ маълумотлар бўлиб, шоир Азимий 1846-1847 йилларда вафот этгани, Хожа Аҳмад Яссавийга эргашиб ёзган «Ҳикмати Азим хожа» китоби муаллифи экани кўрсатилган.

Китоб мустақиллик йиллари қайта нашр этилган маълум. Афсус, китоб сўз бошисида: «Шоир ҳаёти ва фаолияти ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз», — деб ёзилган.

Энди, Богдор эшон ҳазратларига келсак Кўқонда машҳур шоир — Низомий Хўқандий эдилар. Низомий Хўқандийнинг ахлоққа доир «Мажмуот ул-мақсад» номли бир китоби, яна ғазаллар девони қолганлиги айтилган.

Тўғри, бу мулоҳазаларга анча изланишлар натижа қисқа етиб келдик. Бир фикр сифатида қабул қилинса бас. Масалага ойдинлик киритиш, олимлар зиммасида.

— Қанақа тақлиф? — ҳайрон бўлди Меҳри. Абдували чўнғидан икки т билет чиқарди.

— Туркияде, Мармар денгиз соҳилида бир оромгоҳ бор. «Сокин киргоқ» деб ата-

турсунали ПИРНАЗАР

Меҳрининг оппоқ юзи олмадай қизарди. Узини анча эркин тутди. Абдувалига илк бор бошдан-оёқ разм солиб, «ёмон одамга ўхшамайди», деб ўйлади. Қизини, унинг хаёлида Абдувалининг ёши, юз-кўзи, қадди-қомати ҳақида бирон-бир фикр айтмасди. Бунинг сабаби Меҳри ҳали юрагини буткул босиб олмагани билан боғлиқ эди. «Жасур чиндан ҳам мени ўлдирмоқчи бўлганмикин? Қайси гуноҳим учун? Наҳотки, у Хўқоннинг ўлими, ўзининг қамалишида меннинг ҳам иштироким бор, деб ўйлаётган бўлса?»

— Сиз тинчлангиз, Меҳрибону, — деди Абдували унинг фикрларини ўқийгандек. Энди сизга ҳеч ким, ҳеч қачон жahl қилмайдими. Мен ҳозир кетаман. Қоровулға қаттиқ

лади. Ҳа ерда дам олиб қайтасиз.

— Вой, менми, — деди Меҳри ҳайрати ошиб. — Мен умримда хорижда бўлмаганман-ку. Кейин... бир ўзим...

— Қўрқманг. Бир ўзингиз-мас... Энди совгамни айтмай: қайнонанигиз билан гапиршидиз. Ҳўлингиз билан борасиз.

Меҳри ногоҳоний қувончдан энтиқиб кетди. Қулқларига ишонмади. Уридан туриб кетди. Абдувалини ҳаяжон билан... қучоқлаб олди. Юзидан ўпди.

— Ростданми? Ростдан ўғлимни кўраманми? У билан... дам олгани бораманми? Ростми шу? Алдамаяписимизми?

— Рост-рост. Лекин ҳозирча ўғлингизни бутунлай олиб беролмасан керак. Ҳар ҳолда, бирга бўлинг-чи.

ХАБИБ ТЕМИРОВ



тайинлади. Шунга қарамадан дарвозани маҳкам бекитиб ётиб. Бирон нарсадан ҳавотирлансангиз кўнғирок қилин.

Абдували қўл телефони эзиб бериб, кетди. Меҳри ажабланди. У: «Бу кеча шу ерда тунаса, севги изхор қилса керак», — деб ўйлаганди. Уни кузатар экан, «чиндан ҳам беғарз одамга ўхшайди», деб ўйлади.

Тунда безовта ўхлади. Эрталаб сал тинчланди. Туриб, ношуфта тайёрлади. Иштаҳаси бўлмади. Абдувалига кўнғирок қилди. «Келин, бирга ношуфта қиламиз», — деди. Абдували тушликка боришини айтди. «Бўлмаса бугун ош қиламан», — деди. У ўзини ошга уста, деб ҳисоблаб, Абдувалини бир қойил қолдирмоқчи эди. Ошга унмас баро-бариде: «Абдували ака, албатта, оилали бўлса керак. Мабодо яқинлик қилишга уринсан, ниҳок ўқитинг, деб шарт қўяман. Пинҳона бўлсам майли. Ҳар ҳолда, ҳалол бўлади», — деб ўйлади.

Абдували келди. Оши мактаб мактаб еди. Шошилиб ишга отланди. Меҳри оғринди. Ҳайрон бўлди. Бошда шавқ билан гирдикалапалқ бўлган одам мақсадига эришиб, деб турганда иккиланаётганидан энасиси қотди. Эҳтимол, ўлжасини қафасга қамаб олган, энди... шошилмасдан мазаза қилишни мўлжаллапоти шекилли...

— Кечки оқватга келасизми, — деди Меҳри нозли оҳангда. Бундан кейин уялди. «Мен нима қилаяпман ўзи, менга нима бало бўлди?» Дарҳол ўзини оқлади. «Мен ҳам тирик инсонман. Эрим ўлганига ҳам шунча вақт бўлди. Ҳибс эса аъзолари асабларини қақшатган, руҳим толқинан. Нега энди Ҳазратимдан қолмай юрган, оғир аҳволда қўлагимда ёрдам қилини чўзган яхши бир эркак майл билдиришдан уялишим керак?»

— Йўқ, келолмайман, Меҳрихон. Ишлар шунчалик кўпки, ярим тунгача машина чиклалатишга тўғри келаяпти...

Шу кетганича, Абдували бир ҳафта кўринмади. Яқинба-на куни кечга яқин келди.

— Э, айтганча, ҳозирча бу ерда... бир-икки одамга кўринмай турганингиз маъкул.

— Кимга? — Меннинг журналист ошанамга. У шов-шув иштибози. Ва ўтакетган хаблпараст, ваҳимачи. Мендан сизни бир-икки марта сўради. «Ҳойиб бўлган», деб қўяқолдим.

— Нега унақа дедингиз? Ахир...

— Биласизми, у атрофингиздаги воқеаларни нотўғри талқин этиб, мақола ёзиши мумкин. Ортиқча гап-сўзининг нима ҳолати бор? Умуман... биласизми... сизга қутилмаган бир тақлиф ва битта совға тайёрлаб қўйдим.

— Қанақа тақлиф? — ҳайрон бўлди Меҳри.

Абдували чўнғидан икки т билет чиқарди.

— Туркияде, Мармар денгиз соҳилида бир оромгоҳ бор. «Сокин киргоқ» деб ата-

кейин яна ўйла-шармиш...

— Қачон олиб келасиз ўғлимни? — Эртага тушдан кейин. Кейин тўғри аэропортга жўнайми?

— У ёқда... Туркияда бизлар адашиб кетмаймизми? — Кутиб олишадди. Хотир-жам бўлинг.

— Ким кутиб олади? — қизиқсинди Меҳри.

— Сизга айтганим-ку дўстим хорижда, деб.

— Манови унинг эгасими? — Ҳа... Ўн беш-йигирми

Кўз ўнгимда бундан анча олдин рўй берган айрим воқеалар жонланди.

9. АБДУВАЛИ ВА «УСТА»

Шубҳасизки, энди муҳта-рам ўқувчимда ҳам муайян янги саволлар пайдо бўлди. Жумладан, уни Абдувалининг байрабаний хатти-ҳаракатлари таажжуб қолди. У ҳақда муфассалроқ билишни иста-йди.

Очигини айтсам, ўша пайтлар ўзим ҳам Абдували хусусида етарлича тасаввурга эга эмасдим. У билан бир мактабда қўшни синфларда ўқиганимиз. Институтни эса бошқа-бошқа шаҳарларда ту-ғатдик. Абдували од-дий кишлоқ оиласидан чиққан. Отаси дўқончи-лик қиларди. Яқини ўқиган. Шунинг учун ҳам ҳуқуқшуносликка

кириб кетди. Мен эсам жур-налистикага балим етмай, тил-адабиёт бўлимининг кечкиси-га илингандим.

Вилоят газетасининг ҳуқуқ бўлимида ишлаганим учун ҳуқуқий идораларга бот-бот кириб турардим. Абдувалининг ўқишини битказиб, ша-ҳардаги туманларнинг биринида терговчи бўлиб ишлаётганини тасодифан билдим. Учраш-дим. Суҳбат қурдим. Болалик, мактаб даврларини эслайдик. Шу-шу тез-тез хабарлашиб ту-радиган бўлдик. У фош этил-ган жиноятлар тафсилоти ҳақида маълумотномалар ёзар, мен уни қайта ишлаб ма-қола тайёрлардим ва иккала-мизнинг имзоимиз билан чоп этардим.


Матбуотда мунтазам чиқиб тургани учунми, Абдували дар-ров кўзга ташланди. Теэ ўси. Шаҳар, сунгра вилоят проку-ратурасига ишга ўтди. Абду-вали табиятан анча шинаван-да, даврасевер йиғит экани шундан сўнг билинди. Уни тур-ли тоифадаги кишилар турли зиёфатларга тақлиф қилишар, Абдували имкон қадар улар-нинг сазасини ўлдирмасликка интилар, гоҳида мени ҳам ўзи билан бирга олиб борар эди.

Дарвоқе, Меҳри саргузашт-ли-дан беихтиёр воқиф бўли-шимга ҳам Абдували сабабчи эканини биласиз. Ҳақ тўйга борганимиз, келин-куёв билан бир лахзалик суҳбат қуриб, туйхонани тарқ этганимиздан хабардорсиз.


Меҳри «сирли кўнғирок» ва унга ғойибона ошиқ бўлиб, ви-сол тазъа этган номаъълум кимса ҳақида гапиряётганида бот-бот туйхонани, Меҳри билан тасодифий қисқа тани-шувни кўз олдимга келтирдим.

Меҳри «сирли кўнғирок» ва унга ғойибона ошиқ бўлиб, ви-сол тазъа этган номаъълум кимса ҳақида гапиряётганида бот-бот туйхонани, Меҳри билан тасодифий қисқа тани-шувни кўз олдимга келтирдим.

(Давоми келгуси сонда)



Отга меҳрим бўлакча!



Суратга қараб, дарров Тошпўлат Маткаримов эл севган шоир Мухаммад Юсуфнинг «Оқ тулпор» шеъри билан айтган кўшиғини эсга олишингиз табиий. Бу кўшиқни эшита туриб кўнглингизда аллақандай илиқлик пайдо бўлади, ҳофизга кўшилиб куйлайсиз. Кўшиқ халқона оҳангда айтилган. Кўшиқнинг яратилшига асос бўлган шеър ҳам халқчил, дилга яқин, самимий руҳда ёзилган.

Оқ тулпор

Оқ тулпорим бор эди, Беклар унга зор эди. От омаман, у менга ҳам дўсту ҳам ёр эди.

Эши ўпсам тиз чўкиб Тизмадан сув иярди. Чўх деса, ер чапигиб Осмонларга учарди...

Ховлимизга бир оқшом Қаринишлар тўлашди. Тўй баҳона отимдан Айирмоқчи бўлишди.

Борми биздек ошқлар, Баҳоримда куз йиллар. Қизни қучсам — от йиллар, Отни қучсам — қиз йиллар.

Бир бор ўпсам хотинни, Ун бор ўпдим отимни. Жоним, ёниб яшарман, Кимга айтай отимни!..

Ердан кечдим отини деб, Элеа бўлдим эрмақлар. Қайдан билсин от қадрин От мимгадан эрмақлар.

Отам: йигитсан, ўғлим, Уландансан ер, деди. Қиз ярашар қучоқча, Отга нима бор, деди...

Отхонадан бошланди Чимчиққа йўлакча. Кечир, ёрим, не қилай, Отга меҳрим бўлакча!

Қолдим икки ўт аро — Тўшанабда дилдорим. Келин келган кечадан Аразади тулпорим.

Мухаммад ЮСУФ



Футбол

Миср — Африка кубоги соҳиби

Ўтган ҳафтанинг жума кунинда Мисрда ўтказилган 25-Африка кубоги баҳслари ўз якунига етди. Инсон фақат ўзи учун яшолмайди. Бошқалар учун ҳам яшайди. Ҳар соҳада ўзидан яхши из қолдиришга ҳаракат қилади. Хорун ар-Рашид ниҳол экангадан бир қарияни кўриб қолди. Унга: — Отахон! Сен бу экаётган ниҳолнинг мевасини кўришинг гумон, нега бу қадр терлаб-пишасан? — деди.

Шунда қария унга: — Эй, подшоҳ! Биздан аввалгилар дарахт экидилар. Биз улардан баҳраманд бўлдик. Энди биз ҳам биздан кейингилар баҳраманд бўлсинлар деган ниҳолда ниҳол экилмиз, — деб жавоб кайтарди.

Хорун ар-Рашид қариянинг бу ҳикматли сўзидан мамнун бўлиб, унга бир тилла танга узатибди.

Қария: — Подшоҳим! Кўрдингизми? Экан ниҳолнинг мевасини ҳозир олдим, — дебди.

Дилнур тайёрлади



Яна бир ҳафтадан сўнг Валерий Непомняший шоғирдлари Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари навбатдаги Осиё чемпионати саралаш учрашувларини бошлади. Улар Тошкентда Бангладеш терма жамоасига қарши ўзларининг илк учрашувларини ўтказишди. Айти кўнларда бош жамоамиз БААда ўқув-йиғин машғулотларини олиб боришмоқда. Терма жамоа асосини ташкил этадиган «Пахтакор» ва «Машъал» футболчилари, ҳамда бир қатор легионерларимиз россиялик мутахассис кўригидан ўтмоқдалар. Вакилларимиз у ердан 19 феврал кунин Тошкентга учиб келишди. Асосий легионерларимиздан Максим Шацкий, Александр Гейнрих, Евгений Сафоновлар шу кунин мурабий иштироғига келиб қўшилиди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Тайёргарлик авжида

нерларимиз россиялик мутахассис кўригидан ўтмоқдалар. Вакилларимиз у ердан 19 феврал кунин Тошкентга учиб келишди. Асосий легионерларимиздан Максим Шацкий, Александр Гейнрих, Евгений Сафоновлар шу кунин мурабий иштироғига келиб қўшилиди.

Хозир биринчи маошимни оламан. Биринчи маош деганлари биринчи муҳаббатдек ҳаяжонли буларкан. Навбат кутиб турибману совотқандай қалтираман. Ниҳоят навбатим келди. Кирдим.

— Маошингиз 28000 сўм, — деди лабига пушти буюк суртиб олган кассир қиз қошларини чимириб.


— Биламан, — дедим ҳаяжонлиб.

— Қўлингизга 24000 ола-

га, минг сўм пақирга... Кассир қизнинг бошқа гаплари қулоғимга кирмади. — Яна қанча пақир? — Мени мазах қиласизми, сув соладиган пақир-да?! Фаррошга олиб беришимиз керак. Ахир тозалик учун ҳар биримиз масъулмиз-ку. Ҳа, яна водопроводга, буюғи қиш, иссиқлик энергияси дегандек... — Ахир уларга ташкилот пул ўтказмайдими? — Уша ташкилот пулни

— Қанча?! — Сизга бир бошдан тушунтиришим керак-а, янгисиз-да, билмайсиз. Минг сўм гулга, минг сўм борди-қелди деганларидек... Ахир шунча йил бирга ишладик. Қуруқ қўл билан қузатсақ уят булар. Кейин, бир нарсани айтиб қўяй, сиз яхши кизга ўхшайсиз. Яхшиси, пулга ўрганмаганингиз маъқул. Ҳа, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди, яқинда бошлигимизнинг туғилган

ПУЛГА ЎРГАНМАГАНИНГИЗ



сиз, — деди киноа билан. — Подоход, пенсия фонди, яна шунга ўхшаш арзиманган майда-чуйдалар... — Ҳа... майли. — Хў-ўш, шундан келиб чиқиб ҳисобласак, икки минг сўм қоровулнинг туғилган кунига. — Ие, у қачон туғилган эди? — Сиз ишга келмасдан олдин. — Унда нега мендан пул... — Бизда тартиб шунақа! Хоҳламсангиз, берманг. Уйланиб қолдим. — Шошманг, али бу бошлангани. — Уч ой бурун фаррошимиз ўғлини суннат қидирганиди. — Хўп... мен нима қилай? — Ҳа, энди эл қатори минг сўмдан берасиз. — Уша пайтда ишда эмасдим, тўйга борганим йўқ-ку! — Тўғри қиласиз, қиз болага суннат тўйига боришни ким қўйибди. — Илтимос, сув берсангиз. Кассир бундай ҳолатларга кўникиб қолган шекилли, аввалдан тайёрлаб қўйган бир стакан сувни қўлимга тўтади-да, гудриқ деди: — Сизни ҳам яхши-ёмон кунингиз бор. Қолиб кетмас ахир, қайтаришар! Бу туришда унча етиб борармиканман, деб ўйладим. — Яна минг сўм сўпурги-

каердан олади? Менинг овозим пасайиб боргани сари кассирнинг (Ҳажвия) овози баландлаб борарди. — Биз ҳаммамиз бир оиламиз. Бизнинг пулимиз ташкилотнинг пули, ташкилотнинг — пули бизники.

кунлари бўлади. Бунга тўрт минг. — Тўхтагн, бир оз ўзимга келиб олай. — Сизга валидол керак эмасми? Аввал бу доридан ичмаган бўлсангиз, янги чикан новопассит деганлари ҳам бор. Майли, сизга ўз нарҳида берақолай. — Йўқ, кераги йўқ. — Сувни ҳам охиригача ичмасиз. Рангингиз ҳам бир аҳвол бўлиб кетди. Яна келатган байрамга уч миндан йигамиз. — Кейинги ойликдан оларсиз. — Ҳо, сиз хали шошманг, келаси ойнинг ўзига яраша чикимлари бор. Кассир шундай деб қўлимга битта бели синмаган минг сўмликни узатди-да, икки қўлоч қоғоз берди. — Барига имзо чекинг. Кейин сохта жилмайиш қилди. — Сиздан биринчи маошининг суюнчисини ҳам олмабман-ку. Буни ҳам ҳисобга олиб қўйинг. — Мана суюнчисини, — деб қўлимдаги пулни столга қўйдим-да, секин бурилиб чиқа бошладим. — Ҳой қиз, қоғозларга имзо чекингиз-ку!.. Эшиқкача аранг етиб олдим. Пулга ўрганмаганим маъқул шекилли, лекин...



— Ойнинг бошида «зам»имиз қиз чикарувдилар. Тўйга бордингиз-а? — Ҳа. Хайриятки, борган экансиз. Бормаганингизда жариммаси учун икки баробар ушлаб қолардим. Борган бўлсангиз, еб-ичганингизга тулаш керак. Тоқайгача тўйларда текин боқишди. У замонлар ўтиб кетди. Тўй қилганга оосини? Минг сўм соғвага, минг сўм еб-ичганингизга. Яна, бош ҳисобимиз нафақага чиқадиган бўлиб турибди, бунга уч минг сўм.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

Фойдали маслаҳатлар

Тиш оғригидан халос бўлиш

Сирка ва асал аралашмасига саримсоқ бўлакчаси бир кеча бўктириб қўйилади. Оғриётган тишга саримсоқ камидида бир соат қўйилса, оғриқ қолади. Саримсоқ пиёзни ўтга қўйиб, оғриётган тишга қўйилса, дарҳол шифо топади. Отқулоқ илдизи тиш оғриётган томондаги қулоққа тақилади. Ярим соатдан сўнг оғриқ тўхтабди. Малина япроғи (майдаланган), ялиғиз ва ўттиз грамм яхши вино уқусси шиша банкага солинади-да, уч кун асаралади. Уша аралашма билан оғиз чайилса, тиш оғриғи бир зумда йўқолади. Тиш оғриғини яна бир даволаш усули — билакнинг ички томони саримсоқ пиёз билан яхшилаб артिलाди. Кейин майдаланиб пульсга боғланади. Агар тиш оғриғи ўнг томонда бўлса чап билакча чап томонда бўлса, ўнг билакча боғланади. Бу усул ҳам тезда ўз самарасини беради.

Милкни даволаш

Милк шишганда ёки ёрилганда куйидагича усул қўлланилади. Жуда эски ва қаттиқ занглаган миҳ топиб то чўққа айлангунча оловга тутилади. Сўнг миҳ суюқроқ асалга ботирилади. Шунда асалда куюр қора модда пайдо бўлади. Мазкур модда милкка сурилади. Ўтиш олдидан сурган яхши. Тез орада шишган милк ёрилади. Ва бемор тўзалади. Милкдан қон кетса, анор пўстлоғи ёки уруғининг дамламаси билан гарғара қилинади. Милклар бўшашиб кетганда қизил гул ёки анор гулини тўйиб, ҳар кунин милкларга босиш тавсия этилади.

«Қадимда қандай даволашган?» китобидан

Йўталсангиз — шар пуфланг

Йўталдан қийналиб кетдингизми? Унақанда шар пуфланг. Бу шунчаки ҳазил эмас. Сурункали бронхитга чалинганлар ҳар кунин шар пуфлаб турсалар, аҳволлари энгиллашиши мумкин.

Кексаларга яёв юриш фойдали

Кишининг ёши ўтган сайин ақли хиралашиб бориши мумкин. Бунинг олдини олиш учун кунига камида уч километр яёв юриш керак. Пиёда сайр этишининг юрак ва саратон хасталикларининг олдини олишга ёрдам бериши эса илгаридан маълум.

Тирноқ — соғлиқ кўзгуси

Тирноқларингиз қалинлашиб ёки мўрт бўлиб қолса, демак саломатлигингиз яхши эмас. Бундай ҳолда овқатингиз таркиби кальций (бодом, анжир, хурмо, сўт маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, апелсин ва сабзи шарбати), темир (тўхум сариги, анор, дуккаклилар), руҳ (балиқ), мағний ва марганец (гурҷ, банан)га бой бўлишига эътибор беринг.

М.Раҳматов тайёрлади

Халқаро воқеалар

Парранда гриппи. КАСАЛЛИК ДАВОСИ ТОПИЛДИ... ШЕКИЛЛИ

Душанба кунин Россиянинг Покровск биопрепаратлар заводида парранда гриппига қарши вакциналарнинг биринчи партияси ишлаб чиқилди.

Бу ҳақда Владимир вилоти бош давлат ветеринар назоратчиси Николай Бакунов маълум қилган. Унинг сўзла-

рига қараганда, вакциналар текширилуви ва тасдиқдан ўтказиш учун марказга юборилган. Завод бир ойда парранда гриппига қарши 10 миллион дозада вакцина-дорилар ишлаб чиқаради. «Бу мамлакат ҳужалиқлари ва қўшни давлатлардан тушган биуртмаларни бажариш учун етади», — деган завод директори Александр Спиридонов.



РОССИЯНИНГ ЭНГ БОЙ ОДАМЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Чукотка губернатори Роман Абрамович

«Финанс» журналида ёзилишича, бу «720 лик» умумий маблағи 291 миллиард доллар экан. Таққослаш учун бир маълумот: Россия Федерациясининг 2006 йилги бюджетидеярли 180 миллиард долларни ташкил этаркан. Рўйхатнинг бошида турган 39 миллиард уз бойлигини нефт-газ ва металлургия соҳасида қўлга киритишган. «Челси» футбол клуби ҳўжаси, иккита самолёт ва тўртта яхтанинг эгаси, бешта фарзанднинг отаси — Роман Абрамовичнинг бойлиги ўтган йилгига нисбатан 7,2 миллиард долларга кўпайган.

Энг ёш миллиардер деб Чукотка губернатори Роман Абрамович топилган. Унинг ҳисобида «бор-йўғи» 538,2 миллиард рубль — 18,7 миллиард доллар бор. Россияда 720 та миллиардер яшайди. Бир йил аввал уларнинг сони 468 та эди.

Дастлабки 50 лик рўйхатидаги ягона аёл киши — Елена Батурина, «Интеко» компанияси раҳбари 29-уринини эгаллаган. Қолган ўрин соҳибларининг ҳам пули кам эмас — ишонаверинг!

Энг ёш миллиардер деб «МДМ-Банк» ҳўжайини Андрей Мелниченко, энг ёши улуги деб эса Борис Березовский топилган. «Финанс» журнали 60 ёшлик Березовскийнинг бойлигини 1,4 млрд. долларга баҳолаган. У 41-уринда.



Россиялик миллиардер аёл Елена Батурина

Президент ПАРЛАМЕНТНИ ТАРҚАТИБ ЮБОРМОҚЧИ

Польша Президентини Лех Качинский мамлакат парламентини тарқатиб юбори, муддатидан илгари янги сайловлар ўтказмоқчи. Бу ҳақда «РИА-Новости» ахборот агентлиги хабар беради.

Тарқатилган хабарларда айтилишича, Качинскийнинг бундай қарорга келишига парламентнинг давлат бюджет мувофиқ, парламент ҳукумат томонидан бюджет лойиҳаси тақдим этилганидан сўнг, тўрт ой мобайнида уни тасдиқлаши лозим эди. Аммо депутатлар бюджетни вақтида тасдиқлаб улғуришмаган.

Фаластин парламентининг биринчи чакриқ депутатлари, ўз ўринларини тарқ этгунларига қадар, мухторият раҳбари Маҳмуд Аббос ваколатларини янада кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Эндиликда мухторият раҳбари конституциявий суд аъзоларини шахсан ўзи тайинлайди.

«ЭСКИ» ва «ЯНГИ» ПАРЛАМЕНТ. Фикрлар тўқнашуви



Маҳмуд Аббос шаклантиридан конституциявий суд Фаластин қонунчилик кенгаши томонидан қабул қилинган қонунларнинг конституцияга мос келишини текширади ва зиддиятли ҳолат пайдо бўлганда, ҳатто, қонунни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Охириг ўн йил давомида фаолият кўрсатган Фа-

ластин парламенти биринчи чакриқ депутатларининг бу қарори яқинда ўтказилган парламент сайловларида мавжуд 132 ўрндан 74 тасини қўлга киритган «Хамас» гуруҳининг норозилигига сабаб бўлди. «Бу парламентнинг янги қонунлар қабул қилишга умуман ваколати йўқ. Биз конституцияга зид барча қарорларни бекор қилиш чораларини кўрамиз», — деб маълум қилган «Хамас» вакили Саид Сиам. Иккинчи чакриқ парламентининг биринчи мажлисини шанба — 18 феврал кунини ўтказиш мўлжалланган.

Шундан сўнг ҳукуматнинг шакллантирилиши ва унда энг асосий раҳбарлик курсиларини «Хамас» гуруҳи вакиллари эгаллаши кутилмоқда.

Г.В.Плеханов номли Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги Филиали раҳбарияти кутубхона мудираси Камалитдинова Машкура Мирхалиловнага опаси Мирусманова Мовлуда Мирхалиловнанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — миллати ҳаққониди

MILLIY TIKLANISH

«Миллий тикланиш» демократик партияси

Тахрир ҳайъати

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,

реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида териди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Шероф ХАЙИТМУРДОВ

Босишга топшириш вақти 20.00

Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма: Г — 423. Ҳажми 2 босма табоқ.

Адади 2090

Сотувда эркин нарҳда

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00